

1994–4233 ISSN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGY MATTERS
ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА
ЧИҚАДИ

2020/1

Т О Ш К Е Н Т — 2020

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бош мухаррир:

Гуландом БОҚИЕВА

Масъул котиб:

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

ТАҲРИР КЕНГАШИ: Лайло АҲМЕДОВА, Жамила ҒУЛОМОВА, Жамолиддин ЁҚУБОВ, Марк КРОССИ (Британия Кенгаши директори), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэл дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Ҳиндистон), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАҲИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Қосимжон СОДИҚОВ, Илхом ТЎХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСОКУЛОВА, Ирода КАХАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НОСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Ҳалим САИДОВ, Бокижон ТЎХЛИЕВ, Баҳор ТЎРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРҒАШЕВА, Носир ҚАМБАРОВ, Венера ҚАЮМОВА.

Главный редактор:

Гуландом БАКИЕВА

Ответственный секретарь:

Каромат МУЛЛАХОДЖАЕВА

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ: Лайло АХМЕДОВА, Жамила ГУЛЯМОВА, Жамолиддин ЯКУБОВ, Марк КРОССИ (Директор Британского Совета), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэль дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Индия), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАХИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Касимджон САДИКОВ, Илхом ТУХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСАКУЛОВА, Носир КАМБАРОВ, Венера КАЮМОВА, Ирода КАХАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НАСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Халим САИДОВ, Бокижон ТУХЛИЕВ, Баҳор ТУРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРҒАШЕВА.

Editor-in-Chief:

Gulandom BAKIEVA

Executive secretary:

Karomat MULLAKHODJAEVA

EDITORIAL COUNCIL: Laylo AKHMEDOVA, Jamila GULYAMOVA, Jamoliddin YAKUBOV, Gayrat SHOUMAROV, Mark CROSSEY (Director of the British Council), Abdurakhim MANNONOV, Rafael del MORAL (Spain), Kesava PANIKKAR (India), Rodmonga POTAPOVA (Russia), Ganisher RAHIMOV, Kasimjan SADIKOV, Shuhrat SIRAJIDDINOV.

EDITORIAL BOARD: Khurshid DUSTMUKHAMMAD, Dilbar DJUMANOVA, Nilufar ISAKULOVA, Nosir KAMBAROV, Venera KAYUMOVA, Iroda KAHAROVA, Anatoliy LIXODZIEVSKIY, Elmira MURATOVA, Oynisa MUSURMANOVA, Saodat NOSIROVA, Gulchekhra RIKHSIYEVA, Khalim SAIDOV, Ilkhom TUKHTASINOV, Bakijan TUKHLIEV, Bahor TURAYEVA, Gulnoz KHALLIYEVA, Bahodir ERMATOV, Guli ERGASHEVA.

Нашр учун масъул: Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА



Мирзо Турсунов

Бухоро давлат университети Инглиз тилшунослиги
кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан бири метафора ҳамда унга асосланган ҳолда шаклланидиган метафорик ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қандай қилиб фразеологик маъно ифодаланиши, метафорага асосланган фразеологизмларнинг ўхшатишга асосланган иборалардан фарқли жиҳатлари муҳокамасига бағишланган. Метафорик ибораларнинг асосий механизми ҳисобланган кўчириш ҳодисаси, ибораларнинг кўчириш хусусиятига кўра таснифи ҳамда баҳолаш хусусиятлари баён этилган. Метафора йўли билан кўчириш бутун бирикмага ёки унинг айрим қисмларигагина тегишли бўлишига кўра ибораларнинг тўлиқ ҳамда қисман қайта, шаклланишларига ургу берилган. Метафорага асосланган ибораларнинг бошқа кўп жиҳатларига тўхтаб ўтилган.

Калит сўзлар: кўчим, метафорик иборалар, ўхшатиш, стилистик троплар, фразеологик маъно, тўлиқ семантик қайта шаклланиш, компонент, метафоразациялаш, асосланган, кўчма маъно.

Mirzo Tursunov

Bukhara State University, Foreign languages faculty,
senior teacher at the department of English linguistics

THE LINGUISTIC FEATURES OF METAPHORIC PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE UZBEK LANGUAGE

ANNOTATION

The article deals with phraseological units which are based on some stylistic devices including metaphors. The article discusses the main characteristic features of metaphorical expressions in the Uzbek language. Different groups of metaphorical phraseological units' classifications in the Uzbek language are made according to their grammatical forms, lexical and semantic features. The differences between metaphorical and simile-based idioms are also discussed. Metaphor is widely discussed theme in modern linguistics at present time, it has wide functions as a stylistic device in the speeches of people. Transference is a key pushing mechanism in forming metaphorical idioms. Transference can be conducted due to the similarity in action or feature of the object. Metaphorical expressions are formed due to complete re-forming or part re-forming as well. These essential issues are discussed in the article and some samples of discussed matters are also presented in the work.

Key words: transference, metaphoric phraseological units, comparison, stylistic devices, phraseological meaning, complete semantic re-forming, a component, metaphorization, based, transferred meaning.

КИРИШ

Ўзбек тили фразеологик бирликларга бой бўлган тиллардан бири ҳисобланади. Фразеологик бирликлар у ёки бу халқнинг маданияти, менталитети ва турмуш тарзидан сўзлайди. Фразеологик бирликларнинг аксарияти турли стилистик воситаларга асосланган ҳолда пайдо бўлади. Улар, асосан, метафора, метонимия, ўхшатиш, киноя, жонлантириш ва бошқа тропларга асосланган бўлади. Ҳар қандай стилистик воситаларга асосланган ҳолда маъноси шаклланган иборалар экспрессивлик хусусиятига эга бўлади, улар ҳар қандай гап маъносини кучайтира олади. Оддий лексик бирлик ўрнида қўлланиладиган фразеологик бирлик тингловчига нутқ мақсадининг тезроқ ва осонроқ етиб боришини таъминлайди. Ўзбек тилшунослигида стилистик тропларга асосланган фразеологик бирликларни ўрганиш ҳали етарли даражада амалга оширилмаган. Жумладан, метафорага асосланган ибораларни ўрганиш масаласида ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар, саволлар мавжуд. Метафорик ибораларгагина хос бўлган лексик, семантик, грамматик хусусиятлар масаласида баъзи бир очилмаган жиҳатлар ҳам бор.

Фразеологик бирликда албатта фразеологик маъно бўлиши зарур, шундагина ўша лексик бирлик ибора деб аталиши мумкин. Фразеологик маънонинг шаклланишини А.Маматов қуйидаги хусусиятларга кўра гуруҳларга бўлган: 1) сўз бирикмалари ва гапларни кўчириш асосида фразеологик маъно ҳосил қилиш; 2) спонтанлик асосида фразеологик маъно ҳосил қилиш; 3) лексемаларнинг мантикий асосида фразеологик маъно ҳосил қилиш [Маматов А., 1999; 116]. Қуйида биз ушбу гуруҳларга изоҳ бериб ўтамыз. Маълумки, эркин боғланмалар ва гаплар турли стилистик троплар ёрдамида кўчирилади. Натижада эркин боғланмага хос бўлмаган янги маъно ҳосил бўлади. Булар эса фанда фразеологик маънолар деб аталади. Мисол учун, “арқонни устига ташлаб қўймоқ”, “бели оғрийди”, “ковун туширмоқ” ва бошқа бирикмалар маълум контекстларда сўзловчининг мақсадли ҳаракати, фикри, ўй-хаёли билан фразеологизмлаштирилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган спонтанлик асосида, яъни ҳеч қандай таъсирсиз фразеологик маъно ҳосил қилувчи фразеологик бирликларга келадиган бўлсак, уларнинг пайдо бўлишига барибир қандайдир лисоний ва нолисоний омиллар таъсир қилиши остида у ёки бу тушунча пайдо бўлишини ва улар образни ифодалаш мақсадида шаклланишини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Бундай бирикмалар эркин боғланма сифатида қўлланилмайди, балки тўлиқ фразеологизмлар сифатида тан олинади ва тилда шу аснода ишлатилади. Спонтанлик асосида шаклланган ибораларга “енгил табиат”, “ичига чироқ ёкса ёримади”, “кулини кўкка совурмоқ”, “бўйнидан соқит қилмоқ” кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баъзи бир фразеологик бирликларда кўчириш асосида маъно томонидан шаклланиш жараёни амалга ошади. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, ўзбек тилшунослигига оид аксарият адабиётларда тропларга асосан маъноси кўчирилган фразеологик бирликлар ҳақида тўлиқ ва аниқ фикрлар, изоҳлар мавжуд эмас. Фақат баъзи манбаларда шу масалага тўхтаб ўтилган: У.Турсунов ва бошқалар томонидан олий ўқув юрт-

лари учун ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида кўчириш ҳақида қуйидаги фикрларни кузатамиз: “Кўчиришлар асосан қуйидагилар: метафора йўли билан кўчириш, функционал кўчириш, метонимия йўли билан кўчириш, синекдоха йўли билан кўчириш. Шунингдек, кўчириш қоришиқ ҳолда (метафорик-функционал, метафора-метонимия, метонимия-синекдоха тарзида) ҳам учрайди” [Tursunov U.,1992;81]. Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигида фразеологик маъно тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритар экан, кўчириш ва татбиқ усули билан бу жараён амалга ошишини таъкидлайди. Тадқиқотларимиз давомида ўзбек тилидаги аксарият фразеологик маънолар ушбу усуллар асносида шаклланади ҳамда яратилади.

Юқорида эслатиб ўтилган усуллардан ташқари бошқа стилистик троплар ҳам фразеологик маънонинг ҳосил бўлишига асос бўлади. Қуйида ўзбек тилида турли стилистик троплар асосида шаклланидиган фразеологик бирликлар ҳақида фикр юритамиз:

а) метафора йўли билан кўчириш. А.Маматов “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” номли докторлик диссертациясида “метафора йўли билан кўчириш лексик маъно тараққиётида ҳам, фразеологик маънонинг шаклланиши ва тараққиётида ҳам маҳсулдор усул саналади” [Mamatov A.,1999;135].дея таъкидлаб ўтган.

Ҳар қандай тил лексикологияси ҳамда фразеологиясида метафоранинг ўрни муҳим. Метафора нафақат лексик бирликларнинг ранг-баранглигини оширади, балки уларнинг маъно бўёқдорлигини кучайтирувчи воситага айланиши мумкин. Лексикологияда метафора ёрдамида лексик маъно тараққий эттирилади, фразеологияда эса метафорага янги маънони пайдо қилувчи, таъбир жоиз бўлса, уни яратувчи восита сифатида қаралади.

Сўз бирикмаларини метафора йўли билан кўчириш асосида бутунлай янги маъноли тил бирлиги юзага келади. Метафора йўли билан кўчириш бутун бирикмага ёки унинг айрим қисмларига тегишли бўлишига кўра, уни тўлиқ семантик қайта шаклланиш ва қисман семантик шаклланишларга ажратиш мумкин [Mamatov A.,1999;136].

Фразеологик бирликлар агар тўлиқ семантик усулда шаклланиб бўлса, иборалар таркибидаги барча компонентлар (яъни, лексик бирликлар) яхлитлигича кўчирилади. Бундай метафорик ибораларга мисол тариқасида қуйидаги фразеологик бирликларни келтириш мумкин: “бошига ит кунини солмоқ”, “қўлини совуқ сувга урмайди”, “оғзи қулоғида”. Ушбу метафорик ибораларнинг маънолари бирикмани тўлалигича метафора йўли билан кўчириш асосида юзага келган. Қисман семантик шаклланиш асосида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар эса уларнинг таркибидаги муайян компонентнинг ёки айрим компонентларнинг кўчма маънода қўлланилиши туфайли пайдо бўлади. Бундай фразеологик бирликларга мисол тариқасида “бурни кўтарилмоқ” метафорик иборасини келтиришимиз мумкин, яъни ушбу ибора таркибидаги “кўтарилмоқ” компонентигина кўчма маънога эга, ушбу лексик бирликнинг кўчма маъноси асосида фразеологик бирлик шаклланиб. Ёки “ҳақиқатни букмоқ” фразеологиз-

мини оладиган бўлсак, унинг таркибидаги бир компонентнинг, яъни, “букмоқ” феълининг кўчма маънода ишлатилиши туфайли ибора қисман семантик шаклланиш асосида ҳолсил бўлмоқда. Демак, қисман семантик шаклланиш асосида ҳосил бўладиган фразеологик бирликлар таркибидаги бирор компонентини метафора йўли билан кўчириш асосида кўчма маъно юзага келади. Демак, нарса, ҳодисаларни ўзаро ўхшатиш, таққослаш ва шу асосда ўзига хос бўлмаган маънода қўллаш билан сўз бирикмаларида фразеологик маънолар юзага келади. Мазкур масалада иш олиб бориб шунга амин бўлдикки, аксарият эркин боғланмали фразеологик бирликлар тўлиқ семантик қайта шаклланиш асосида ҳосил бўлади, ўз-ўзидан фразеологик маъно ҳам шу жараён натижасида пайдо бўлади. Бундай метафорик фразеологик ибораларга мисол тариқасида “аравани баравар тортмоқ”, “бетига қорақуя суркамоқ” кабиларни келтиришимиз мумкин. Бу иборалар тўлиқ семантик қайта шаклланиш асосида фразеологик маъно касб этган. Юқорида мисол тариқасида санаб ўтилган бирикмалар ўз маъносида ҳам, кўчма маънода (яъни, фразеологик маънода) ҳам қўлланилиши мумкин. Албатта, булар фразеологик маънони ифодалаганда образли бирикмалар тарзида контекстда қўлланилади ҳамда контекстдан ўз ёки кўчма маънога эга бўлганлиги анча тез ва осон англашилади. Ўз ва кўчма маъно маънолар орасидаги алоқа ҳамда контекст ёрдамида фарқланади. Яъни, “аравани баравар тортмоқ” бирикмаси ўз маъносида ҳам қўлланилиши мумкин. Жумладан, у ёки бу буюмлар солинган аравани баравар тортиб келаётган кишилар ҳақида гапирилганда, бирикма ўз маъносида қўлланилади. Лекин ушбу бирикма эр-хотин оилани иктисодий жиҳатдан барқарор қилиш, уни бут қилиш мақсадида тинмай меҳнат қилиб, аравани баравар тортаяпти, яъни, икки киши баравар рўзғор тебратаяпти деган маънода қўлланса, бирикма фразеологик маъно ҳосил қилади. Контекст бирикманинг қандай маънога эга бўлганлигига ойдинлик киритмоқда. Айрим вазиятларда эса ўз ва кўчма маъно орасидаги алоқа фақат этимологик таҳлил асосидагина аниқланиши мумкин.

Ҳар бир тилда спонтан характердаги фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. Улар қисман семантик қайта шаклланиш асосида пайдо бўлади. Спонтан характердаги фразеологизмларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин: “таъзирини емоқ”, “луқма ташламоқ”. Ушбу метафорик иборалар, асосан, бир компонентнинг кўчма маъноси асосида қурилади. Бундай фразеологик бирликларни тилда эркин боғланма тарзида ишлатиб бўлмайди. Шу ўринда эркин боғланмани метафора асосида кўчиришда юзага келадиган бир нечта босқичлардан иборат жараёни эслатиб ўтиш жоиз: 1) тил ва нутқда эркин ишлатиладиган, ўзининг мустақил маъносига эга бўлган компонентлар маълум вақт ўтиб, эркин боғланмага айланади; 2) эркин боғланма маъноси метафора ёрдамида кўчирилса, у асл маъносини йўқотади, унга хос бўлмаган бошқа бир маъно юзага келади, нутқда қўлланилиши орқали фразеологизм шаклини олади ва фразеологик бирлик деб аталади; 3) эркин боғланма кўчириш жараёнида ўз-ўзидан ўзига хос бўлмаган маъно ва вазифада қўллана бошланади, кўчириш эса ўхшатишга асосланади; 4) кейинчалик ушбу эркин боғланма метафорик иборага

айланади, тил эгалари уни тез қабул қилади, ўткир ва образли ибора сифатида нутқда қўлланиладиган фаол тайёр лексик бирлик, тайёр бирикма шаклида, яхлит тарзда ишлатилади.

Метафора йўли билан кўчириш аниқ ёки мавҳум нарса-ҳодисалар доирасида, ҳаракатлар ёки ўзаро ўхшашлик белгилари ўртасида ҳам юз бериши мумкин [Mamatov A., 1999; 142]. Бирор-бир предмет, объект, нарсага хос ҳаракатнинг номи бошқа бир предмет, объект ёки нарсанинг ҳаракатига кўчирилиши орқали метафорик ибора ҳосил бўлади. Бундай метафорик иборалар ўзбек тилида кўпчиликни ташкил этади. Ўхшатиш ҳамма вақт, ҳар қандай ҳолатда ҳам метафорик ибораларни ҳосил қиладиган асосий механизм, куч ҳисобланади. Икки нарса, ҳодиса, объект, кишиларнинг ўзаро ўхшатилиши метафоралашининг дастлабки босқичи саналади. Киши миясида содир бўладиган ўхшатиш ҳодисаси метафоралашининг биринчи босқичидир. У ёки бу нарса, киши, ҳодиса, жой ва ҳоказолар ўхшатилиши туфайли юзага келадиган маънолар эса метафоралашининг иккинчи босқичидир. Қизиғи шундаки, тилда фразеологик маънолар ҳам иккинчи элемент сифатида юзага келади. Шу ўринда бир стилистик ҳодисага аниқлик киритишимиз зарур. Ўзбек тилида ўхшатиш ҳамда метафора алоҳида, мустақил стилистик троплар ҳисобланади. Улар ўртасида шакл ва маъно жиҳатдан баъзи бир ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, аксарият ҳолларда турли фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Улар ўртасидаги семантик фарқлар қуйидагилар ҳисобланади: 1) ўхшатиш ҳодисасида биринчи ўхшатилаётган нарса, ҳодиса, киши, жой иккинчисига субъектив тарзда солиштирилади, метафорада эса икки қиёсланаётган элементнинг биринчиси иккинчисига тўлиқ тарзда ўхшатилади; 2) ўхшатиш асосида ҳосил бўлган А 1 элемент (объект) номинатив вазифага эга эмас, у бирор бир тушунчани ифодаламайди, у ёки бу предмет ҳақида маълум бир тасаввур пайдо қилади, юзага келган объект ёки предмет, ҳодисани атайди. Шу ўринда ўхшатиш стилистик воситасига тилшунос олимларнинг берган таърифларидан баъзи бир иқтибослар келтириб ўтишни лозим топдик: “Энг муҳими шуки, халқнинг дунёни тасаввур этиши ва англашидаги ўзига хослик, яъни миллий-маданий ва миллий-коннотатив маълумот бевосита айна шу ўхшатиш эталонида тажассум топади. Турғун ўхшатишлар ўзбек тилининг тамомила ўзига хос бойлиги, халқ миллий-маданий тасаввуроти ва анъаналарининг бетақрор кўзгуси, бежирим ва таъсирли нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийлигини таъминлашга хизмат қиладиган ғоят муҳим восита сифатида жуда катта этнопсихологик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик қимматга эга.” [Mahmudov N., 2013; 16]. Албатта, ўхшатиш ҳам тилда ўзига хос ўринга эга бўлган стилистик восита ҳисобланади, лекин у метафорадан фарқли ўлароқ очиқ-ойдин қиёслаш жараёнини амалга оширади. А.Маматов метафора ҳамда ўхшатиш ўртасидаги фарққа қуйидагича таъриф берган: “Ўхшатиш билан метафора орасидаги фарқ улар компонентларининг қўлланиш хусусиятидадир. Ўхшатишда сўзлар тўғри маънода, яъни ўз маъносида, метафорада эса кўчма маънода қўлланилади. Метафорада ўхшатишга нисбатан чуқурроқ маъно трансформацияси юз беради.

Метафора кўпроқ яширин ўхшатишга асосланади.” [Mamatov A., 1999;135]. Ҳақиқатан ҳам метафорадаги ўхшатиш анча мураккаб жараён ҳисобланиб, уни илғаш, англаш, тушуниш учун ҳам инсон ўз тафаккурдан, ақлий салоҳиятидан самарали фойдаланиши зарур. Ўхшатишда эса бу жараён очиқ, равшан бўлади. Мисол учун, “аммамнинг бузоғидай” фразеологизми ўхшатишга асосланган, бу ибора очиқ ўхшатиш асосида шаклланган. Бунда фразеологик бирликлар таркибидаги компонентлар ўз маъносида қўлланилиб, аниқ нарсага ўхшатилади. Бу ҳолатда фразеологик маънонинг шаклланиши образли ўхшатишлар асосида содир бўлади. Шу ўринда образли ўхшатишлар хусусида ҳам фикр юритишни лозим топдик. Фразеологик маънонинг шаклланишида образли ўхшатишлар ҳам қатнашиши мумкин, бунда образли ўхшатишлар нарса, предмет, ҳодиса ва бошқалардаги бирор-бир ўхшаш хусусияти, белгисига асосланади. Образли ўхшатишлар предмет, нарса ва ҳодисаларнинг бирор ўхшаш белгисига асосланиб, бирининг белгиси орқали иккинчисининг белгисини аниқлаштириб кўрсатувчи бадий восита сифатида қаралади. Фразеологик иборалар нарса-предметга тўлалигича, мутлақ ўхшатилади. Ўзбек тилида ўхшатишга асосланган фразеологик бирликлар *гўё, каби, сингари, худди* каби лексик воситалар ҳамда – дай (-дек) грамматик воситаси (аффикси) ёрдамида ҳосил бўлади. Бу метафорик ибораларнинг ўхшатишга асосланган иборалардан асосий фаркли жиҳатидир. “Амманинг бузоғидай” ўхшатишга асосланган ибора грамматик восита ёрдамида ҳосил бўлган. Уни семантик жиҳатдан таҳлил қилсак, бузукнинг ҳолати инсон ҳолатига нисбатан ўхшатишган, бу очиқ, аниқ, мутлақ ўхшатишдир. Ўзбек тилида ўхшатиш стилистик воситасига асосланган ҳолда шаклланган кўплаб ибораларни қайд этиш мумкин: *бўзчининг моксидай, ёғ тушса ялағудек, кўзига ўтдай кўринмоқ, қоққан қозиқдай, сариёғдек ёқмоқ, эшакдай ишлатмоқ, мумдай эримоқ* ва ҳоказо.

Ўхшатишга асосланган иборалар метафорик иборалар сингари ўзбек халқининг азалдан давом этиб келаётган анъаналари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи ҳақида сўзлайди, зеро ҳеч бир лексик восита халқ тарихи ва маданиятини ибора сингари очиқ бера олмайди. “Мулла минган эшакдай”, “туянинг калласидай”, “эгарланган отдай” каби ўхшатишга асосланган фразеологик бирликлар кундалик турмушда ишлатиладиган ҳайвон ҳаракатларини инсонга ўхшатиш асосида шаклланган. Бир сўз билан айтганда, ўхшатишни метафорадан фарқлаш учун ундаги аниқ структурал белгилардан ташқари семантик унсурларга ҳам эътибор қаратиш зарур.

Метафоранинг шубҳасиз инсон онги, фикрлаши билан чамбарчас боғлиқ эканлигига урғу берамиз. Ўхшатишда киши онги шунчаки икки объектни субъектив тарзда ўхшатади, бу жараёнда кенг микёсда фикрлаш, таҳлил қилиш, синтезлаш каби ҳодисалар амалга оширилмайди, метафоранинг ҳосил бўлишида эса кенг қамровли онгли ўхшатиш ҳодисаси амалга оширилади. Метафорани яратишда инсон ўзининг юксак ақлий салоҳиятидан фойдаланиб турли босқичлардаги метафоризациялаш жараёнини амалга оширади. Метафора, шубҳасиз, янги маъноларни яратишга хизмат қилувчи самарали восита ҳисобланади. Е.Т.Черкасова

ўзининг илмий рисоаларидан бирида метафорани “семантик функция” деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, метафора ёрдамида инсон ўз тилида янги маъноларни яратди. Мисол учун, “сақич қилиб чайнамоқ” фразеологик бирлигини таҳлил қиладиган бўлсак, у асл маъносида, яъни ўзининг асосий семасида қўлланиши мумкин, баъзи бир контекстда эса кўчма маънода ишлатилади. Бирор-бир инсон у ёки бу егуликни сақич сифатида шунчаки эрмак қилиб, оғзида чайнаса, бу ҳолатда бирикма ўз маъносида ишлатилган бўлади, бошқа контекстда эса “бир гапни жуда ҳам чўзмоқ”, “эзмалик қилмоқ” маъносида қўлланилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда бирикма фразеологик birlikка (метафорик иборага) айланади. Шу ўринда барибир бирикманинг асл маъносидаги ҳаракат унинг кўчма маъносига ҳам қисман ўтади. Юқоридаги ҳолатда, яъни фразеологизмнинг ҳар икки қўлланилишида қандайдир умумий ўхшашлик, ўхшаш жараён бор. Агар кўчириш ҳодисаси мавҳум нарса-ҳодисалар, воқеалар доирасида содир бўлса уни аниқлаш анча мураккаб жараёнга айланади. Шунингдек, фразеологик birlikлар мураккаб таркибга эга, улар мураккаб тил ҳодисаси ҳисобланади ва шу сабабли ҳам уларда содир бўлаётган ўхшатишларни аниқлаш ҳамда кўчим турини топиш бироз қийинчилик туғдириши мумкин. Кўчимлар, одатда, ўзаро ўхшашлик ёки ўзаро алоқадорлик асосида содир бўлади, баъзи мураккаб шаклли фразеологик birlikларда эса юқорида санаб ўтилган ҳар иккала кўчим тури бир вақтда амалга ошиши мумкин. Ўзаро ўхшашлик ва ўзаро алоқадорлик асосида содир бўладиган кўчим қоришиқ кўчим деб аталади, кўплаб фразеологизмларнинг маънолари айнан қоришиқ кўчириш асосида ҳосил бўлади.

Метафорик иборалар, асосан, ўзаро ўхшашлик белгилари асосида кўчирилади: 1) бирор нарса, киши, предмет, объектга хос ҳаракатнинг номи бошқа бир нарса, киши, предмет, объект ҳаракатига кўчирилади. Бундай метафорага асосланган ибораларга мисол қилиб, “бармоғини тишламоқ”, “қулоқ тутмоқ”, “жағини очмоқ” кабиларни келтиришимиз мумкин. “Бармоғини тишламоқ” бирикмасида ҳаракатнинг маъноси кўчирилса, фразеологик маъно ҳосил бўлади. Яъни бирор киши бехосдан бармоғини тишласа ёмон ҳолатга, оғриқли ҳолатга тушади, қилган ҳаракатидан афсусланади, бу ҳаракатдаги маъно фразеологизмга кўчганда ҳам салбий оттенкага эга бўлади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу иборанинг икки маъноси қуйидагича тавсифланган: афсус қилмоқ, аттанг деб қолмоқ (1-маъноси); лол қолмоқ, ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолмоқ (2-маъноси) [Луғат.,1981;82]. Юқоридаги ҳолатда бирикманинг ҳаракати кўчишига ва фразеологик маъно ҳосил бўлганлигига гувоҳ бўлдик. 2) бирор нарсага хос белгининг номи бошқа бир нарсадаги белгига кўчирилади. Бундай метафорик ибораларга мисол тариқасида қуйидаги фразеологизмларни келтириш мумкин: “бўхча қорин”, “бағри тош”.

Метафорик фразеологик birlikлар баҳолаш хусусиятига эга, улар шахснинг ижобий ва салбий характерларини ифода этади. Кишининг ижобий характерини ифодаладиган метафорик ибораларга “кўзи ўткир” метафорик иборасини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Кишининг салбий характерини ифодаладиган метафорик ибораларга қуйидагиларни мисол қилиб ўтишимиз

мумкин: “оғзи катта”, “афти совуқ”, “бағри тош”, “бети қаттиқ”. Албатта, метафорик иборалар ёрдамида сўзловчи у ёки бу ҳолатга, вазиятга баҳо берар экан, ўз нутқини чиройлироқ, таъсирчанроқ қила олади. Ўзбек халқи азалдан ибораларни ўз нутқида кенг ишлатиб келган, шу сабабли метафорик иборалар фаол тил лексемалари сифатида баҳоланади.

Метафорик иборалардаги ўхшатиш турли кўринишларга асосланишини юқорида алоҳида таъкидлаб ўтдик. Бундай фразеологик бирликлар реал ёки мавҳум нарсаларни ифодалаши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, метафорага асосланган иборалар нутқда энг кўп мурожаат қилинадиган фразеологик бирликлардан бири бўлиш билан бирга кишилар нутқини янада жозибадор, таъсирчан қила оладиган лексик бирликлардир. Метафорик ибораларни шакллантириш учун биринчи навбатда кўчим асосий механизм сифатида ишлатилади, кўчимлар эса ҳаракат ёки белгига қараб шаклланади. Метафорага асосланган иборалар кўп вақтлардан бери тилда фаол нутқ бирлиги сифатида ишлатилиб келинади, улар аллақачон тилимизда турғун бирикма сифатида шаклланиб олган. Семантик таҳлиллар натижасида эса уларнинг қайси кўчим хусусиятига кўра шаклланганлигини, бутун бирикма қайта семантик шаклланганлиги ёки қисман семантик қайта шаклланиш амалга ошганини билиб олиш мумкин. Баъзида фразеологик бирликнинг метафорага асосланганлигини фақат иборанинг келиб чиқиш тарихи, этимологияси таҳлил этилгандагина аниқланиши мумкинлигига ҳам яна бир марта амин бўлдик. Метафорик иборалар таҳлили натижасида биз уларнинг қандай шаклланиш жараёнлардан ўтганлигини билиб олишимиз мумкин бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Begmatov E. Va boshqalar. O'zbek tilining izohli lug'ati (b). O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent, 2005, 41p.
2. Mamatov A.E. O'zbek frazeologizmlarining shakllanishi masalalari. Fan doktori darajasini olish uchun dissertasiya. Toshkent, 1999. 116 p.
3. Mahmudov N., Xudoyberganova D. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. Toshkent, "Ma'naviyat" nashriyoti, 2013. 16 p.
4. Tursunov U., Muxtorov J., Rahmutallayev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Toshkent, "O'zbekiston" nashriyoti, 1992. 81 p.
5. O'zbek tilining izohli lug'ati. 2 tomlik. 1-tom. –M.: Rus tili. 1981

LITERATURE CRITICAL STUDIES

Gulnoz Hallieva. Conditions of achieving scientific results in comparative studies . . .	3
Umida Rasulova. Genesis of the genre of tales	13
Bahor Turaeva. Parallel chronotope in the novel «The Day Lasts More Than a Hundred Years»	21
Makhliyo Umarova. Freedom of individuality and country's independence in Byron and Chulpon's works	34
Dilafroz Jabborova. Modern approach to jadidism and literature of jadids	42

LINGUISTICS

Fahriddin Abdurahmanov. Syntactic-semantic features of multi-verbs in the Russian and Uzbek languages	49
Svetlana Im. Significance of morphophonological elements in the process of word formation	60
Lolaxon Nigmatova. Some problems of Uzbek lexicography and dictionary elaboration	71
Shahlo Khamroeva. Semantic group in the language corpus, the importance of semantic text setting of group and field explanation	81
Mirzo Tursunov. The linguistic features of metaphoric phraseological units in the Uzbek language	94
Umida Yuldashova. The importance and role of English in development of the world economy	102
Iroda Kaharova. Means of emotional expression in language	111
Sanjar Anorqulov. Toponyms as an object of linguistic research	129

TRANSLATION

Hulkar Mirzaxmedova. Terms made from the original Iranian vocabulary in Persian	137
Munosibkhon Ichanjanova. Paramètres des localisateurs d'espace en français et en ouzbek	146
Durdona Egamnazarova. The importance of intonation in the actual division of the sentence in English and Uzbek	154

METHODOLOGY

Svetlana Khan. Helping a child to become a successful learner	163
Sarvinoz Abdieva. Advantages of application of complex modular teaching technology in the English language	172

PEDAGOGY. PSYCHOLOGY

Khikmatullo Urazbaev. Using statistical package for social sciences in educational research	182
--	-----

DEDICATED TO SCIENCE

Djamaliddin Yakubov. Omon Muminov – a great linguist, a skilled translator, a self-devoted scientist	192
---	-----